

**Ўзбекистон Республикасида даволаш профилактика
муассасаларини ташкиллаштиришда ер танлаш хамда реконструкция
қилишининг санитария талаблари**

Умуроғ Ш.С.

Бухоро Давлат Тиббиёт институти.

Умумий гигиена ва экология кафедраси.

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси худудида даволаш профилактика муассасаларини қуриш, қайта қуриш ва реконструкция қилишида нималарга эътибор бериш кераклиги. Жихозлаш жараёнида фойдаланиладиган тиббий буюмлар. Ташкиллаштирилган муассасанинг иш фаолиятини олиб боришида санитария-техник, санитария-гигиена, ва эпидемияга қарши курашда холатида алоҳида ахамиятга эга бўлган томонлари хамда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг “Даволаши профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишининг санитария қоидалири, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига тўхатлиб ўтамиз.

Мақсад: Даволаши профилактика муассасаларини қуришида ва ташкиллаштиришида ўйл қўйиладиган камчиликларни муассасаларни қуриш ёки қайта қуришдан олдин билиб олиш, хато камчиликларни тузатиш учун сарфланадиган моддий зарарни камайтириш ва санитария-гигиена қоидалирини бузилиш холатларини олдини олиш.

Калим сўзлар: ДПМларини жойлаштириш, қайта қуриш, ер майдонига қўйиладиган гигиеник талаблар, туғруқ комплекслари, хоналарга қўйиладиган гигиеник талаблар, хоналарни пардоzlашига қўйиладиган гигиеник талаблар, қунлик қатнов, ханалар юзасига қўйиладиган гигиеник талаблар.

Материал ва усуллар: Оралық санитария назорати, якуний санитария назорати ва жорий санитария назорати, ер танлашда қатнашиш. Ситуацион режа, бош режа ва тушинтириш хати билан танишиш. Лоихани күздан кечириш. Курилиш ишлари якунланғандан сүнг иш фаолиятини бошлаш ва давом эттириш учун хulosаса бериш.

Натижә: Ушбу санитария қоидалари мулкчилик шакли ва идоравий бўйиснувидан қатъий назар барча янги курилаётган, қайта курилаётган ва таъмирланаётган даволаш-профилактика муассасаларига (бундан буён матнда ДПМ деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади[1,2,3,4]. ДПМларни лойиҳалаштиришда хоналар майдонлари катталиги бўйича белгиланган нормалардан 15 фоизгача четга чиқишлиарга йўл қўйилади. Бунда, бундай четга чиқишлиар санитария-эпидемиология режимига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. ДПМларни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишда ушбу санитария қоидалари ҳамда амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши зарур[8,20,21,22]. ДПМларни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишда фойдаланиладиган тиббий техникалар, асбоб-ускуналар, дезинфекция воситалари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ва бошқа буюмлар, шунингдек қўлланилаётган тиббий технологиялар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига рухсат этилган бўлиши лозим. ДПМларда клиника-диагностика лабораториялари фаолияти аутсорсинг асосида ҳамамалга оширилиши мумкин[5,6,].

ДПМларни жойлаштириш ва унинг ҳудудига қўйиладиган талаблар қўйидагилар. ДПМлар турар жой ёки шаҳар атрофи ҳудудларида мавжуд жамоат, саноат ва коммунал бинолардан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган узоқликда ҳамда санитария-ҳимоя ҳудудларига қўйиладиган гигиена талабларига мувофиқ жойлаштирилади[7]. Руҳий касалликлар шифохоналари, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касалликлари йўналишидаги ДПМлар турар жой ҳудудидан камида 100 м узоқликда жойлаштирилади. 1000 ва ундан ортиқ ўринга мўлжалланган

ушбу йўналишдаги ДПМлар аҳоли яшаш жойларидан камида 500 м узоқликда жойлаштирилиши керак. Фаолият юритаётган юқумли ва сил касалликларига мўлжалланган ДПМларнинг палата корпуслари ва турар-жой уйлари орасидаги масофа камида 50 м, стационарсиз диспансерлар учун эса камида 20 м бўлиши лозим. Кўп тармоқли ДПМларда юқумли касалликлар бўлимлари чегараланган ҳудудда жойлаштирилиши ва алоҳида кириш жойига эга бўлиши керак [9,10,11,12,13]. Йирик ДПМлар (100 ўриндан ортиқ) ва туғруқ комплекслари аҳоли пунктининг турар-жой ҳудудида жойлаштирилганда даволаш ва палата бинолари қизил чизиқдан камида 30 м ҳамда биноларнинг қаватлар сонидан келиб чиқсан ҳолда турар жой биноларидан 30 — 50 м узоқликдаги масофада жойлаштирилиши зарур. Ер участкасини танлашда атрофнинг санитария-гигиена ҳолати ҳамда шамол йўналиши ҳисобга олиниши лозим. Ахлатхона, ассенизация майдонлари, ҳайвонларни кўмиш жойлари, қабристонлар ва бошқалар сифатида фойдаланилган, шунингдек органик, кимёвий ва бошқа заҳарли чиқиндилар билан ифлосланган ер участкаларида ДПМларни жойлаштириш қатъиян тақиқланади [14., 15, 16, 17]. ДПМларнинг участкалари темир йўллар, аэропортлар, тез юрар автомагистраллар, тўй ва шунга ўхшаш маросимлар ўтказиладиган, 100 тадан ортиқ ўтириш жойи бўлган очик турдаги умумий овқатланиш корхоналари, кино ва видеофильмлар намойиш қилинадиган доимий ва вақтинча павильонлар, очик турдаги ёзги эстрада, кинотеатрлар ва ракс майдончаларидан ва бошқа кучли физиковий омиллар таъсир кўрсатувчи манбаларидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган узоқликда жойлаштирилиши лозим [4, 5]. Амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ДПМлар жойлаштирилиши мўлжалланган тупроқ таркиби санитария-кимёвий, микробиологик ва паразитологик кўрсаткичлари ҳамда радиацион фон гигиеник нормативларга жавоб бериши лозим. Атмосфера ҳавосидаги заҳарли моддалар, инфратовуш, электромагнит нурланиш, шовқин ва тебраниш белгиланган гигиеник

нормалардан ошмаслиги лозим. Илгари силга қарши ДПМлар жойлашган ер участкаларига турар жой бинолари, умумий овқатланиш, озиқ-овқат саноати, ёпик турдаги ижтимоий, болалар ва ўқув-тарбиявий муассасалар жойлаштирилиши мүмкін эмас[6].ДПМ ҳудудидан мұхандислик ва транспорт коммуникациялари ўтмаслиги керак. Туар-жой ва жамоат биноларида, алохіда кириш жойи мавжуд бўлган ҳолларда, амбулатория-поликлиника муассасалари, соғломлаштириш, қайта тикланиш ва реабилитация марказлари, 30 та ўрингача бўлган терапевтик йўналишдаги шифохоналар, шунингдек уларда юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тўлиқ риоя этиш учун шароитлар мавжуд бўлганда лабораторияларни жойлаштириш мүмкін[8]. Туар-жой ва жамоат биноларида алкоголь ва гиёхвандликка ружу қўйган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатадиган, шунингдек юқумли касалликлар билан касалланган bemorlarغا ёрдам кўрсатувчи ДПМларни жойлаштириш тақиқланади (амбулатория-поликлиника шароитида аллергологик, дерматологик ёрдам кўрсатиш бундан мустасно). Туар-жой биноларида ҳамда улардаги хоналарда микробиология, гистология лабораториялари, дезинфекция станциялари, аҳолини битга (педикулез) қарши зарарсизлантириш учун санитария-тозалов хоналари жойлаштирилиши мүмкін эмас. Рентген диагностика хоналарини жойлаштиришга бўлган талаблар амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.ДПМлар ва амбулатория-поликлиника муассасалари ер майдонлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим[9].

Бемор ўринлари сонидан келиб чиққан ҳолда ДПМлар майдони қўйида кўрсатилган1-жадвалгаасосан белгиланади.

1-жадвал

1 та шифоўрниучунажратиладиган ер майдони

Т/р	Сифими (ўрин сони)	1 та беморўрниучун ер участкаси (m^2)
1.	50 тагача	250

2.	51 — 100	250 — 180
3.	101 — 200	180 — 140
4.	201 — 400	140 — 100
5.	401 — 800	100 — 80
6.	801 — 1000	80 — 60
7.	1000 дан ортиқ	60

Изоҳ: 1 нафар болалар ўрни учун шифохонага белгиланган норманинг 1,5 баробари (коэффициенти) қабул қилинади.

Амбулатория-поликлиника муассасалари алоҳида биноларда жойлашганда қизил чизиққача бўлган масофа 15 м ни ташкил этиши керак. Агар амбулатория-поликлиника тураг жой ва жамоат биноларида, шунингдек ушбу биноларнинг биринчи қаватларида жойлаштирилган дашаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ алоҳида кириш йўлакларига эга бўлиши керак[15]. Тез тиббий ёрдам станцияларида (шахобчаларида) автотранспорт воситаларини жойлаштириш учун ҳарбир машина учун $12,0 \text{ m}^2$ бўлган жой (бокс) ташкил этилади. Тез тиббий ёрдам автотранспортлари турагоҳидан тураг-жойуйлар игача бўлган масофакамида 50 м бўлиши керак. Шифохоналар ва диспансерлар умумий ер майдонининг 50 фоиз қисмида қурилган бўлиши, қолган 50 фоиз қисмида эса кўкаламзорлаштирилган майдон (даражатзорлар, яшилмайдон) бўлиши керак[17]. Шифохоналарда кўкаламзорлаштирилган ҳудуд 1 та ўрин учун камида 25 m^2 ни ташкил этиши керак. Табиий ёруғлик ва қуёш турининг тушиши (инсолиация) камайишини олдини олиш мақсадида дарахтлар 10 м дан яқин бўлмаган масофада, бутазорлар эса биноларнинг нур ўтказувчи тешикларидан 5 м масофада экиласди [16]. Шифохоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари участкаларининг периметри бўйлаб икки қатор баланд дарахтлар ва бир қатор буталардан таркиб топган кенглиги 10 м ва 15 м бўлган дарахтзор ташкил этилиши керак. Шифохоналар ҳудудида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга чалинган bemорлар учун даволаш бинолари (педиатрия, психосоматика, тери-таносил, радиологик

бинолар, туғруқхоналар ва акушерлик бўлимлари), патологоанатомия бинолари, боғ-парк, хўжалик ҳудуди ва муҳандислик иншоотлари каби ҳудудларга ажратилади[18]. Кўп тармоқли шифохоналар таркибига кирувчи юқумли касалликлар, тери-таносил, психосоматик, акушерлик, болалар ва радиология бўлимлари алоҳида биноларда жойлаштирилиши керак. Автоном вентиляция тизими ва алоҳида кириш жойи ва йўлагига эга бўлган биноларда ушбу бўлимларни бошқа бўлимлар билан битта бинода жойлаштириш мумкин (силга қарши даволаш муассасалари бундан мустасно). Юқумли касалликлар шифохоналари ва бўлимлари учун алоҳида кириш йўли ва автотранспортларни дезинфекция қилиш учун сув билан таъминланган ёпиқ майдон ташкил этилган бўлиши лозим[20]. Ушбу майдон бетон билан қопланган, оқова сувларни йиғишга мўлжалланган хандақ ўрнатилган бўлиши керак. ДПМ ҳудудидаги корпуслар ва бошқа бинолар орасидаги санитария оралиқ масофалари инсолация, ёритилганлик, шамоллатиш, шовқиндан ҳимоя қилиш ва бошқа оптимал шароитларни таъминлаши лозим[22]. ДПМларда хоналар деразаларининг жойлашишини 2-жадвалгамувофиқ жойлаштириш тавсия этилади.

2-жадвал

ДПМда хоналар деразаларининг жойлашиши

T/p	Хоналарноми	Географиккенглигимолийкенглик 45° важануброқда*
1.	Операция хонаси, реанимация бўлими, туғрук ва секцион заллар	шимолда, шимолий шарқда, шимолий ғарбда
2.	Бактериологик текширувлар учун лабораториялар, юқумли касалликлар материалларини қабул қилиш ва уларни саралаш учун	шимолда, шимолий шарқда, шимолий ғарбда, жанубий шарқда

Modern education and development

3.	Сил ва юқумли касалликлар беморлари палаталари	жанубда, жанубий шарқда, шимолда**, шимолий ғарбда**
4.	Интенсив терапия палаталари	Ғарб ва жанубий-ғарб томонга жойлаштиришга рухsat этилмайди
5.	З ёшга тўлмаган болалар бўлими палаталари, болалар бўлимидаги ўйинхоналари	жанубда, жанубий шарқда, шимолда

*Изоҳ: *ушибуkenгликақуёшёзмавсумида 15 соат 37 дақиқа,
қишигимавсумда 8 соат 45 дақиқатуради.*

***бўлимидаги ўринлар умумий сонининг 10 фоизидан оимаслиги керак, ғарбда жойлашган палаталарда хоналарни қуёш нури таъсирида исиб кетишида нҳимо яқилиши (жалюзи ва бошқа жиҳозлар) қўзда тутилиши керак.*

Мазкур санитария қоидаларининг 2-жадвалида кўрсатилмаган хоналар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ хоналар деразалари ёруғлик томонлари бўйича эркин жойлаштирилиши мумкин. ДПМ бинолари орасидаги масофа ушбу санитария қоидалари талаблари асосида инсоляция ва ёритилганликни ҳисоблаш асосида қуйидагича бўлиши лозим: 3-4 қаватли бинонинг узун томонлари орасидаги масофа 25 м, 9 қаватли бино баландлигига эса — 40 м дан кам бўлмаслиги керак; ушбу биноларнинг узун ва ён томонлари палаталари деразалари орасидаги масофа — камидан 15 м; овқат тайёрлаш хизмати ва патологоанатомик бинолар орасидаги масофа — камидан 30 м; радиология биноси ва хўжалик худудидаги жойлаштириладиган бошқа бинолар ўртасидаги масофа — камидан 25 м; трансформатор подстанцияси ва палаталар орасидаги масофа — камидан 25 м. Шифохона бинолари, тугруқхона ва стационарли диспансерларни ажратиб турувчи масофаси 20 м, улардан турар-жой биноларигача бўлган масофа камидан 30 м, шунингдек шифохоналарнинг даволаш-ташхис биноларидан, поликлиника, аёллар маслаҳатхонаси ва стационари бўлмаган диспансер биноларидан эса камидан 15 м узоқлиқдаги

масофада ташкил қилиниши керак. Патологоанатомик бинолар палата биноларидан максимал равища алоҳидаланиши ва даволаш ҳамда туғруқ мажмуаси биноларидан, шунингдек ДПМ ҳудудига яқин жойлашган тураржой ва жамоат бинолари деразаларидан яққол кўриниб турмаслиги керак[5]. ДПМ ҳудудида поликлиника биносини алоҳида қуриш кўзда тутилганда, унинг биноси ҳудуднинг чекка қисмига жойлаштирилиши, ахоли учун қулай ва алоҳида кириш йўлига эга бўлиши лозим. ДПМ ҳудудида ҳар куни жорий тозалаш ишлари ўтказилиши керак. Қаттиқ ва майший чиқиндиларни йиғиш учун зич ёпиладиган қопқоқли контейнерлар ўрнатилиши керак[7]. Қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш контейнерлари ювиш ва дезинфекция қилиш учун асфальтланган ёки бетонланган маҳсус майдонларда жойлаштирилиши керак. Майдон ўлчами контейнерлар асосининг ҳартомонидан 1,5 метрдан кам бўлмаслиги керак. Майдон атрофидаги оқова ва ёғингарчилик сувларини чиқариб ташлаш учун тарнов ўрнатилган бўлиши керак. Майший чиқиндилар ташлашмай дони билан палата вадаволаш-ташхис биноларигача бўлган масофа камида 25 мни ташкил қилиши лозим[8]. Чиқинди ташлаш контейнерлари мунтазам равища ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим. Қаттиқ ва озиқ-овқат чиқиндиларини олиб кетилиши ҳар куни амалга оширилади. Даволаш биноси ҳудудида (ҳар 50 метр масофада) чиқинди ташлаш учун урналар жойлаштирилиши ва улар ҳар куни тозаланиши ҳамда тоза сақланиши лозим[9].

Хуноса: Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, операция блокларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2022 йил 21 январда тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 4 марта рўйхатга олинган “Даволаш профилактика муассасаларини лойихалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативлар” тўғрисидаги №0020-22 сонли санитария қоида ва меъёrlарига амал қилиш керак.

Адабиётлар:

1. Умуроў Ш. С. БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИ САНИТАР-ГИГИЕНИК ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ ХАМДА ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДА КАСАЛЛИК ДИНАМИКАСИ //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 64-69.
2. Умуроў Ш. С. Особенности Труда Рабочих В Сельском Хозяйстве //AMALIYVATIBBIYOTFANLARIILMIYJURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 197-201.
3. Умуроў Ш. С. Здоровье Молодежи //AMALIYVATIBBIYOTFANLARIILMIYJURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 189-196.
4. Тилляшайхов, М. Н., Джанклич, С. М., Ибрагимов, Ш. Н., Имамов, О. А., Сабирджанова, З. Р., & Умуроў, Ш. С. (2022). РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ КОЛОРЕКТАЛЬНОГО РАКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Вопросы онкологии*, 68(S3), 174-175.
5. Шеркузиева, Г. Ф., Самигова, Н. Р., & Умуроў, Ш. С. (2022). *Аҳолининг құдуқ сувларидан фойдаланыш эколого-гигиеника спектлари* (Doctoral dissertation, Тошкент).
6. Шеркузиева, Гузал Фахритдиновна, Наргиз Раимовна Самигова, and Шамсиддин Сатторович Умуроў. *Аҳолининг құдуқ сувларидан фойдаланыш эколого-гигиеника спектлари*. Diss. Тошкент, 2022.
7. Умуроў Ш. С. ҚОРАҚҮЛЧИЛИК ХОДИМЛАРИ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ХОДИМЛАР СОҒЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ САЛБИЙ ФАКТОРЛАРНИ КЕНГ ОММАГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ //TADQIQOTLAR. – 2024. – Т. 30. – №. 2. – С. 151-156.
8. Шерқүзиева Г. Ф., Саломова Ф. И., Умуроў Ш. С. Касалхона ички инфекцияси муаммолари //ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ КАФЕДРА ЭПИДЕМИОЛОГИИ КАЗАХСКИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ СД АСФЕНДИЯРОВА. – 2023. – С. 78.

Modern education and development

9. Умров Ш. С. Здоровье Молодежи //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 189-196.
10. Умров Ш. С. Особенности Труда Рабочих В Сельском Хозяйстве //AMALIYVATIBBIYOTFANLARIILMIYJURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 197-201.
11. Serdanovna M. I. et al. Epidemiological Analysis Incidence of Workers in Flour Production //Journal of Advanced Zoology. – 2023. – Т. 44.
12. Sattorovich U. S. Physiological and Hygiene Changes in Working Conditions in a Ceramic Production Enterprise //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 968-971.
13. Nurov.A.S. Key Considerations for Assessing School Food Environments// AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, (2023/3/30).-P. 85-87
14. Nurov.A.S. Disruption of Natural Systems Affects Health// AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, (2022/11/15).-P. 258-260
15. Nurov.A.S. The Importance of Ecology for Children's Health and Well-Being// AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, (2022/11/15).-P. 238-240
16. Nurov.A.S. CHANGES IN TASTE AND FOOD INTAKE DURING THE MENSTRUAL CYCLE// Science and innovation, (2022).-P. 251-253
17. Nurov.A.S. Causes of Rational Eating Disorders in Children and Adolescents // AMERICAN Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. AMERICAN Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, (2023).-P.236-239
18. Nurov.A.S. Current Problems in Providing the Population with Clean Drinking Water // AMERICAN Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. AMERICAN Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, (2023).-P.240-242
19. SX Samandarovna.,Mehnat Sharoitining Inson Organizmiga Ta'siri Sog'Lom Turmush Tarzi//AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, ISSN:2181-3464 C34-37

Modern education and development

20. .SK Samandarovna.,The Problem of Environmental Pollution/Vital Annex:International Journal of Novel Research in Advanced Sciences, Volume:01 Issue: 03 I 2022 ISSN: 2751-756X Page81-85
21. XC Самадова.,СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИДИР//Journal of Advanced Research and Stability,Volume:02 Issue:09ISep-2022 ISSN:2181-2608 C198-201
22. XS Samadova.,Turli mehnat sharoitidagi omillarning inson organizmiga gigiyenik bahosi// Ta’lim fidoyilari, C8-11
23. Samandarovna S. K. IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON LIFE ACTIVITIES//*Neo Scientific Peer Reviewed Journal*//Volume 12, ISSN (E): 2949-7752, July,2023.*Page-* 31–33.
24. IbotovaMahfuzaOybekqizi Уровень Физического Здоровья Из здорового О браза Жизни Студентов. //MALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNAL// ISSN: 2181-3464. P.59-62
25. Babaeva N. M. METHODS OF TREATMENT AND PREVENTION OF LEUKOPLAKIA OF THE ORAL MUCOSA //International Congress on Models and methods in Modern Investigations.–2023.–C.86-87.
26. 16.Бобева Н. М. ПАТОЛОГИЧЕСКАЯ ДЕСТРУКЦИЯ ТКАНИ ПАРАДОНТА И ЕЕ ФАКТОРЫ РИСКА//Journalofnewcenturyinnovations.–2023.–T.23.–№.1.–C.18-23.
27. IbodovaMakhfuz. SOIL ECOLOGY AND FUNCTIONS//Journal of Advanced Research and Stability//Volume: 02 Issue: 09 | Sep - 2022 ISSN: 2181-2608 -Б.177-181
28. Самадова Х. С. РОЛЬ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЭКОЛОГИИ В ОБРАЗЕ ЖИЗНИ //Journal of new century innovations//Volume–33,Issue-1,Iyul_2023. 2023. С. 28-30.
29. ИбадоваМахфузаОйбековнаШумовойФакторОкружающейСреды:Оц енкаВлиянияНа СамочувствиеСтудентов. // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI//ISSN: 2181-3464– 2022. Б. 92-94

30. Ibotova Mahfuza Oybek qizi Anatomical and Physiological Features of Development.// International Journal of Health Systems and Medical Sciences// ISSN: 2833-7433 Volume 2 | No 2 | February -2023. P.7-10
31. XC Самадова. ВОЗДЕЙСТВИЕ ВЫХЛОПНЫХ ГАЗОВ АВТОМОБИЛЕЙ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И ЧЕЛОВЕК// Scientific Impulse //Vol. 2No 14 (2023), С 466–469.
32. Husenovich, B. A. (2023). Working Conditions of the Cotton Gin. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 4(5), 964-967.
33. БАФОЕВ А.Х. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ В ГОРОДСКИХ УСЛОВИЯХ. MASTERS SCIENTIFIC JOURNAL, 27 JANUARY / 2024 / 2 – NUMBER,59-62
34. Ibodova Makhfuzha Oybekovna. Ecological Problems of the Environment Under Modern Conditions. // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI//ISSN: 2181-3464– 2022. Б. 82-84
35. Nurov.A.S. The Role of Water in the Spread of Infectious and Non-Infectious Diseases // AMERICAN Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. AMERICAN Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, (2023).-P.243-245
36. Nurov.A.S. Existing Problems in Providing the Population With Drinking Water Through Underground Water Sources // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, (2023).-P.77-79
37. Nurov.A.S. Cleaning of Open Water Bodies From Waste Water From Production Enterprises // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, (2023).-P.80-82
38. Nurov.A.S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies// AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI, (2023).-P.83-85